

# Мундарижа

## Молия бозори

Мамаюнус ПАРДАЕВ, Юлдуз УРИНБАЕВА.  
Миллый ва макроиқтисодиёт: мазмуни, фарқи, турлари,  
кўрсаткичлари

3

49

## Таққос ва таҳлил

Бобур ВАЛИЕВ.  
Ўзбекистонда инвестиция салоҳиятини  
ошириш ислоҳотлари

9

54

## Иқтисодиёт ва жамият

Мансуржон БУСТОНОВ.  
Иқтисодий ўсиш моделлари ва назариясининг  
концептуал ёндашувлари

13

58

## Назария ва амалиёт

Шоназар ОТАЕВ.  
Сугориладиган ерлардан фойдаланиш тизимини  
тартибиға солища экологик тадбирлар  
самарадорлигини аниқлашнинг  
имлй-услубий жиҳатлари

17

62

## Муносабат

Юлдуз УРУНБАЕВА.  
Хизмат кўрсатиш соҳаси мазмун-моҳияти ва пандемия  
шароитида жадал ривожлантиришининг  
ижтимоий-иқтисодий аҳамияти

21

65

## Жараён

И момкүл БОБОМУРАТОВ.  
Паррандачилик соҳасининг ҳозирги ҳолати ва  
ривожланиш тенденциялари

26

68

## Тадқиқот

Шахноз НУРУЛЛАЕВА, Саодат САЙДУЛЛАЕВА.  
Ишлаб чиқариш омилларнинг умумий  
самарадорлигини аниқлаш

29

71

## Кун нафаси

Умида БАЙМАТОВА, Азамат ДЖУРАЕВ.  
Ҳарбий-профессионал компетенцияни  
шакллантириш зарурияти

32

74

## Илгор технологиялар

Алмахан ПАРПИЕВА, Абдурауф НАЗАРМАТОВ.  
Глобал космик навигация тизими (ГКНТ) асосида  
транспорт воситалари ҳаракатини бошқариш

35

75

## Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

Шахноз БОЛТАЕВА, Дилафируз НАРЗИЕВА.  
Аҳоли фаровонлиги ва бандлигини таъминлашда кичик бизнесни  
ривожлантириш масалалари

41

79

## Интеграция

Жаҳонгир МИРКАСИМОВ.  
Ўзбекистон иқтисодиётини тараққий этишида  
иқтисодий интеграциянинг аҳамияти

44

97

## Услубият

Журсинбай БАЛТАШЕВ.  
Қорамолчилик тармоги иқтисодий самарадорлигини  
баҳолашнинг услубий асослари

49

## Молия

Феруза ОЛЛОКУЛОВА.  
Махаллий бюджетларнинг даромадлар манбанини  
кенгайтириш йўналишлари  
(Сурхондарё вилояти мисолида)

54

## Аграр соҳа

Хуршида ЯҚУБОВА.  
Деҳқон хўжаликлари – энг истиқболли хўжалик  
юритиш шакли сифатида

58

## Худуд

Моҳигул АХТАМОВА.  
Самарқанд вилоятида экологик туризм хизматлари  
самарадорлигини оширувчи омиллар ва улардан  
самарали фойдаланиш йўналишлари

62

## Хизматлар соҳаси

Шавкат БОЛТАЕВ.  
Хизмат кўрсатиш соҳасида тежамкорликка  
эришиш ва самарадорликни  
оширишнинг истиқболли йўналишлари

65

## Самарадорлик сари

Нибуфар НАБИЕВА.  
Хизмат кўрсатиш соҳасида маркетинг  
стратегияларини такомиллаштириш

68

## Стратегия

Маърифатхон АХУНОВА.  
Иқтисодиётни ривожлантиришда инновацион  
механизмларни такомиллаштириш

71

## Назарий мушоҳада

Охунжон НАЗАРМАТОВ.  
Иқтисодиётни глобализациялаш шароитида  
тўқимачилик корхоналарини бошқариш  
механизмларни такомиллаштириш

74

# Содержание

## Подготовка кадров

Игорь БУТИКОВ, Жамшид ТАХИРОВ.  
Проблемы подготовки судебных управляющих  
и пути их решения

79

## Экономика и пандемия

Икромиддин СИРОЖИДДИНОВ, Рахимахон БОТИРОВА.  
Развитие экономики в условиях  
коронавирусной пандемии

97

ТАХРИР КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

ТАХРИР КЕНГАШИ РАЙСИ | ПРЕДСЕДАТЕЛЬ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

**Фармонқұл ЭГАМБЕРДИЕВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
доктор экономических наук, профессор

**Қаландар АБДУРАХМОНОВ**

ҮзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

**ТАХРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ | ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА**

**Z. Kliment LAZARASHVILI (Климент ЛАЗАРАШВИЛИ), MBA, JD, PhD.**

Georgian international University президенти (АҚШ)

Президент Georgian international University (США)

**Gerhard FELDMAYER (Герхард ФЕЛДМАЙЕР)**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Германия)  
доктор экономических наук, профессор (Германия)

**Masato HIWATARI (Масато ХИВАТАРИ)**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Япония)  
доктор экономических наук, профессор (Япония)

**Sung Dong KI (Сунг Донг КИ)**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Корея Республикаси)  
доктор экономических наук, профессор (Республика Корея)

**Нагмет АЙМБЕТОВ**

ҮзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

**Юрий ОДЕГОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Россия)  
доктор экономических наук, профессор (Россия)

**Игорь БУТИКОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
доктор экономических наук, профессор

**Мухиддин КАЛОНОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори,  
доктор экономических наук

**Абдурашид КОДИРОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
доктор экономических наук, профессор

**Адҳам БЕКМУРОДОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
доктор экономических наук, профессор

**Муҳиддин ПЎЛАТОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори  
доктор экономических наук

**Дурбек АХМЕДОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
доктор экономических наук, профессор

**Бахтиёр ИСЛОМОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
доктор экономических наук, профессор

**Баҳодир УМУРЗАКОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
доктор экономических наук, профессор

Аҳоли фаровонлиги ва бандлигини таъминлашда кичик  
бизнесни ривожлантириш масалалари  
Вопросы развития малого бизнеса в сфере благосостояния и  
занятости населения  
Issues of small scale business development in the welfare and  
employment of the population

Шаҳноз БОЛТАЕВА,  
катта ўқитувчи,  
Дилафируз НАРЗИЕВА,  
ўқитувчи.  
*Бухоро давлат университети*

### Аннотация

Мақолада бугунги замонавий шароитларда кичик бизнесни ривожлантириши масалалари тадқиқ этилган. Аҳоли фаровонлиги ва бандлигини таъминлашда кичик бизнесни ривожлантиришининг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Шунингдек, самарали бандликни таъминлашда кичик бизнесни ривожлантиришининг устувор йўналишлари келтирилган.

В статье рассматриваются вопросы развития малого бизнеса в современных условиях. Подчеркивается важность и специфические особенности развития малого бизнеса в обеспечении благосостояния и занятости населения. Также даны приоритетные направления развития малого бизнеса в обеспечении эффективной занятости.

*The article examines the issues of small business development in today's modern conditions. The importance and specific features of small scale business development in the provision of welfare and employment of the population are highlighted. Also, priority areas of small scale business development in ensuring effective employment are given.*

Иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида аҳоли самарали бандлигини таъминлаш, турмуш даражасини ошириш ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш драйвер сифатида намоён бўлмоқда.

Шунингдек, бугунги кунда дунёда рўй берәётган кескин рақобат кураши ҳамда COVID-19 пандемияси натижасида камбагаллик ва қашшоқлик даражаси ошиб бораётган бир шароитда, жаҳон мамлакатларида қишлоқ жойларидағи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик озиқ-овқат хавфсизлиги, бандликни таъминлашда ривожланган ва

ривожланётган мамлакатлар иқтисодиётининг локомотиви сифатида баҳоланмоқда.

Халқаро статистик ташкилотларнинг маълум қилишича, –2020 йилда АҚШда жами 30,7 млн. кичик бизнес субъектлари мавжуд бўлиб, улар жами бизнес субъектларининг 99,9 фозини, 59,9 млн. ишчи кучини ёки жами бандларнинг 47,3 фоизини ташкил қилган [2]. – Ейда барча компанияларнинг 99 фоизи ва иш ўринларининг 85 фоизи, XXP барча компанияларининг 97,9 фоизи, ЯИМнинг 58 фоизи, экспорт ҳажмининг 68 фоизи кичик бизнес субъектлари улушига тўғри келмоқда” [3].

Мамлакатимизда ҳам рақамли иқтисодиётни

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, тадбиркорлик, бандлик, аҳоли фаровонлиги, оиласий тадбиркорлик, инновация, франшизинг, ауцорсинг, субконтрактинг.

# КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

шакллантириш ва модернизациялаш ҳамда глобаллашув шароитида миллий иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларини жаҳон хўжалигига интеграциясини жадалластириш, замонавий технологияларга асосланган маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариши жадал йўлга қўя оладиган кичик бизнес субъектларини шакллантириш муҳим йўналиш сифатида эътироф этилмоқда.

Бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотларда ҳам қичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ни янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "... миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқдарини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш: миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш..." каби устувор вазифалар белгиланган [1].

Таъкидлаш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини изчил ривожлантириш натижасида аҳолининг самарали бандлигини таъминлаш, жойларда ташаббускорликни рағбатлантириш орқали аҳоли орасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш имкониятлари пайдо бўлади. Шу сабабдан ҳам, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш асосида мамлакатда ўрта мулқорлар синфини шакллантириш, ички бозорни нисбатан арzon ва сифатли зарурий товарлар билан тўлдириш, янги иш ўринларини яратишга, шунингдек, улар томонидан ишлаб чиқарилётган маҳсулотларни экспортга йўналтириш орқали мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ҳамда пировардида эса мамлакатда иқтисодий фаолликни ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда бутун дунёга хавф solaётган COVID-19 пандемияси натижасида юзага келган глобал молиявий-иктисодий инқирозинг салбий таъсири ва оқибатларини бартараф этишда кичик бизнесни ривожлантириш долзарб вазифа ҳисобланади. Чунки, бундай вазиятда аҳолининг ишсизлик даражасини камайтириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш ва

турмуш даражасини яхшилашда кичик бизнес, оиласий тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириш ва ривожлантириш иқтисодий фаолликка эришишда қўл келади.

Республикамиз ЯИМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2011 йилда 54,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб 56,5 фоизга етган. Жами бандлар таркибига КБХТда бандларнинг улуши эса 2011 йилда 75,1 фоиздан 2019 йилга келиб 75,6 фоизгача ошган. Шунингдек, яли экпорт таркибида КБХТнинг улуши 2011 йилда 18,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 27,0 фоизгача ўстан. Республика умумий импорти хажмида КБХТнинг улуши 2011 йилда 34,3 фоиздан 2019 йилда 61,6 фоизгача ўстан [6].

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, мазкур соҳани қўллаб-қувватлашнинг кучли ва самаралимеханизмларининг гишелабчиқилиши ҳамда амалиётта татбиқ этилиши натижасида, кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётдаги ўрни сезиларли даражада ўсиб, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини оширишда, иқтисодиёт тармоқдарини барқарор ҳамда изчил ривожлантиришда энг муҳим воситалардан бирига айланди.

Кичик бизнесда бандликнинг ўзига хос хусусияти иқтисодий фаолиятнинг бошқа соҳаларига қараганда норасмий тартиб-коидалар ва амалиётларнинг нисбатан кенг тарқалганилиги ҳисобланади. Бу меҳнат муносабатларини расмийлаштириш босқичидан бошлаб намоён бўлади. Таъкидлаш керакки, меҳнат муносабатларини расмийлаштиришнинг ўзгарувчанлиги кичик бизнеснинг барча қатламлари ва ушбу соҳада ишлайдиган ходимлар учун йирик корхоналар билан солиштирганда анча юқоридир.

Кичик бизнеснинг қўшимча иш жойлари яратиш орқали аҳолини иш билан таъминлашдаги роли илмий асосланган. Иқтисодий назарияда капитал жамгарилиши жараёни унинг тузилиши сифат жиҳатидан узлуксиз ўзгариб бориши билан боғлиқлиги кўрсатилган. Шу билан бирга иқтисодиётнинг айрим тармоқларида капиталнинг ортиб бориши мутаносиб равишда иш кучини жалб қилишга ҳам хизмат қилади. Бу соҳаларга, жумладан, савдо ва хизмат кўрсатиш ҳам киради [4].

# ○ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ┌

Бугунги кунда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида кичик бизнес субъектларини ривожлантиришнинг, қўшимча юқори унумли иш жойлари яратишнинг янги шакллари оммалашмоқда. Кичик бизнес корхоналарида янги иш ўринларини ташкил этишнинг замонавий кўринишларидан бири – бу франшизингдир.

Франшизинг – кичик ва йирик бизнес субъектларининг бизнесни биргаликда юритиш усулидир. Бунда кичик бизнес субъекти компаниянинг машҳур савдо белгисидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади, у мазкур савдо белгиси остида товар ишлаб чиқариш усулларига ўргатилади. Кичик корхоналар франшизингдан у амалиётда ўзини оқдагани учун бизнеси муваффақиятли бўлиши кафолатига эга бўлади. Савдо белгисини тақдим этган компания эса, ўз навбатида, кичик бизнес субъекти фойдасининг бир қисмига шерик қилиш, унга тажрибасини ўргатиш эвазига янги бозорларни эгаллаш учун вақтдан ютади ва реклама, логистика ва бошқа харажатларни камайтиради.

Кичик бизнес субъектлари ўз фаолиятини аутсорсинг усули орқали ҳам юритишлари ва қўшимча иш жойлари ташкил қилиш имкониятига эга бўлишлари мумкин. Бугунги глобаллашув ҳамда интеграцион жараёнларнинг тобора тезлашиб бораётганлиги шароитида йирик корхоналар учун фаолиятлари билан боғлиқ ҳамма вазифаларни фақат ўз ходимларининг кучи билан бажариш ҳамиша ҳам иқтисодий жиҳатдан манфаатли бўлмайди. Бу функцияларнинг бир қисмини бевосита ана шу вазифаларни бажаришга ихтисослашган кичик фирмаларга топшириш – аутсорсингдир.

Аутсорсингга бухгалтерия ҳисобини олиб бо-

риш, кадрларни танлаш ва ёллаш, компьютер дастурларини ишлаб чиқиши, реклама кампанияларини ташкил этиши, хавфсизликни таъминлаш ва бошқалар киради.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда айрим ташкилотлар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари аутсорсингга тааллуқли фаолиятга – ахборот-коммуникация технологиялари, аудит, бухгалтерия ва солиқ ҳисобини олиб боориш, хўжалик фаолиятини таҳдил этиши, маслаҳат ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатишга ихтисослашмоқдалар.

Кичик бизнес субъектларида қўшимча иш жойлари яратишда аутсорсингга ўхшаш бўлган субконтрактингдан фойдаланиш, айниқса, истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади. Мазкур усул йирик саноат корхоналарининг ўз ишлаб чиқариш жараёнларини мақбулаштириш учун кичик бизнес субъектларига айрим буюмларни, бутловчи қисмларни тайёрлаш, хизматлар кўрсатиш бўйича буортма беришларига асосланган. Рақобат тобора кучайиб бораётган глобаллашув шароитларида корпорациялар ўзлари тўла фойдаланмаётган ишлаб чиқариш қувватлари учун ноишлаб чиқариш чиқимларини камайтириш мақсадида кичик бизнес билан ана шундай ҳамкорликни йўлга қўядилар.

Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда қўшимча иш жойлари ташкил этишнинг замонавий шакллари бизнес фаолиятининг муваффақиятини таъминлаб, аҳоли бандлиги, даромадлари ва турмуш фаровонлигини оширишнинг самарали воситалари бўлиб хизмат қиласди.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўгрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. <https://smallbiztrends.com/small-business-statistics>
3. The Export-Import Bank of Korea. Hidden Champion Initiative. URL: <https://www.koreaexim.go.kr/site/homepage/menu/viewMenu>. Menuid
4. Барр Р. Политическая экономия. В 2-х томах. Т.1. – М.: Международные отношения, 1995. С.636.
5. Абдурахманова Г.К. Кичик бизнесда аҳолини муносиб меҳнат тамойиллари асосида иш билан таъминлашни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: 2016. 158-б.
6. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) маълумотлари/